



2025 йил 28 июль

№ РС-31-25

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида
тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 3.1-бандига кўра, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича тайёрланган суд амалиёти обзори юзасидан қуйидагиларни таъкидлайди.

2025 йилнинг биринчи ярми давомида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанциясида 532 нафар шахсга нисбатан 456 та жиноят иши (материал) тамомланган. Шундан 256 нафар (48,1 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 28 нафар (5,3 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилган, 16 нафар (3 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, янги айблов ҳукми чиқарилган, 59 нафар (11,1 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бошқа асосларга кўра бекор қилинган, 171 нафар (32,1 %), шу жумладан 42 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари моддий зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.

Олий суд тафтиш инстанциясида кўрилган суд қарорларининг ярмидан кўпи (51,9 %) ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг юқори инстанция судлари фаолияти коникарсиз даражада эканлигини кўрсатмоқда.

Айниқса, Навоий вилоят (41,2 %) ва Қорақалпоғистон Республикаси (34,6 %) судлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлганлиги, Самарқанд (55,2 %), Наманган (40,6 %), Хоразм (40 %) вилоят судлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг ўзгартирилиши иш сифатига салбий таъсир кўрсатган.

Судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида кўриб тамомланган жиноят ишлари таҳлили, судлар томонидан:

махкумга янги айблов қўйилган ёки янги шахс айбланувчи сифатида иштирок этиш учун ишга жалб этилган ҳолларда суд қарорларини бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юбормаслик;

ўз ваколатига крмайдиган жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриш;

шахсни асоссиз равишда ўта хавфли рецидивист деб топиш каби тизимли ва кўпол қонунбузилишларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг биринчи ярми давомида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида 1 080 нафар шахсга нисбатан 998 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган.

Иш кўриш натижаларига кўра, 738 нафар (68,3 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бир пайтда, 193 нафар (17,9 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилинган (*шундан 117 нафар (60,6 %) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган, 16 нафар (8,3 %) шахсга нисбатан апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган, 60 нафар (31,1 %) шахсга нисбатан бошқа мазмундаги қарор қабул қилинган*), 149 нафар (13,8 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган.

Сирдарё (51,5 %), Фарғона (47,1 %) вилоят судлари қарорларининг бекор қилиниши, Андижон (22,2 %), Сурхондарё (21,3 %), Сирдарё (21,2 %) вилоят судлари қарорларининг ўзгартирилиши республика кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатган.

Тафтиш инстанциясида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан 31,7 фоиз суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса-да, сифат кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига (44,2 фоиз) ҳамда жорий йилнинг 1-чорагига (40 фоиз) нисбатан сезиларли даражада яхшиланган.

Шунга қарамасдан, ҳисобот даврида 117 нафар (*жами кўрилган ишларга нисбатан 10,8 %*) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилгани суд қарорлари барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Суд қарорлари бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига судлар томонидан асослар мавжуд бўлса-да, қонунда назарда тутилган имтиёзларни қўлламаслик, ҳуқуқбузарликни нотўғри квалификация қилиш каби кўпол қонунбузилишлар сабаб бўлган.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагига тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича тайёрланган суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар суди раиси (Э.Ходжакулов)га жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан:

юкори инстанция судларида янги айблов қўйилган ёки янги шахс айбланувчи сифатида иштирок этиш учун ишга жалб этилган ҳолларда янги айблов ҳукми чиқариш;

ўз ваколатига кирмайдиган жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриш каби қўпол процессуал қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги;

Сирдарё вилоят суди раиси (А.Худойбердиев)га судланувчиларнинг шахсига доир маълумотлар батафсил текширилмаслиги оқибатида улар асоссиз равишда ўта хавфли рецидивист деб топилишларига йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ушбу судлар раислари келгусида бу каби қонунбузилишларга йўл қўймаслик чораларини кўришлари лозимлиги ва бундай ҳолатлар такрорланган тақдирда, қатъий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирилсинлар.

3. Бир ой муддатда:

Наманган вилоят суди раиси (А.Усманов) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар;

Навоий вилоят суди раиси (А.Аллаев) оилавий (маиший) зўравонлик (*МЖтК 59²-моддаси*) билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар мавзусида вилоят суди судьялари ҳамда тергов судьялари иштирокида ўқув-семинар машғулоти ўтказсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Наманган, ва Хоразм вилоят судларининг раисларига жиноят ишларини кўриш;

Сирдарё, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоят судларининг раисларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш сифати қоникарсиз даражада эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ушбу судлар раислари суд қарорларининг барқарорлигини таъминламаган судьяларнинг иш сифатини яхшилаш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (**И.Раҳманкулов**) ҳамда вилоят ва уларга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раислари зиммасига:

ишларни кўришда қўпол қонунбузилишларга йўл қўйган судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш лозимлигига эътибор қаратиш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида, **2025 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш юклатилсин.

6. Суд амалиёти обзори вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг ҳар бир судьясига реестр орқали етказиш ва амалиётда фойдаланиш учун юборилсин.

7. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” - “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж.Умаров) суд амалиёти обзори “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” - “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари И.Муслимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси



Б. Исламов